

**THE PLACE OF NEW PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN INCREASING THE  
QUALITY AND EFFICIENCY OF EDUCATION  
(ON THE EXAMPLE OF VETERINARY SCIENCES)**

Bobokulov Zarif Raimkulovich

Teacher of SamVMI

Esanboev Kahramon Uktamovich

Teacher of SamDCHTI

**Annotation.**

It is known that today the quality and efficiency of the educational process is one of the most pressing issues. New pedagogical technologies have a special place in solving this problem. One of the most important requirements for the organization of modern education is to achieve high results in a short time without spending too much mental and physical effort.

The formation of certain skills and competencies based on the transfer of certain theoretical knowledge to students in a short period of time, the control of their activities, the assessment of the level of theoretical and practical knowledge acquired by them, the higher the pedagogical skills of the teacher, the newer the educational process.

**Keywords:** teaching, learning process, pedagogical technology, teaching technology, method, methodology, interactive.

**Кириш.** Бугунги кунда таълим мазмуни ва сифати жамиятнинг долзарб масалалари ва устувор йўналишларидан бири сифатида кўрилмоқда. Таълим сифатини ривожлантиришда ҳамда унинг самарадорлигини оширишда янги педагогик ва ахборот технологияларини кенг жорий этиш масаласи оммалашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29-декабрдаги “Олий Мажлисга Мурожаатномаси” билан ташкил этилган тадбирдаги нутқида:

...Биз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойdevorини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улугбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиш керак. Бунда аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий гоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

.....Ёш авлодга боғча, мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим тарбия беришни йўлга қўямиз, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар инсонлар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятларни сафарбар этамиз....

Шундай экан, таълим сифат ва самарадорлигини ошириш масаласида шубҳасиз янги педагогик ва ахборот технологиялар алоҳида ўрин тутади.

**Материаллар ва методлар.** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Таълим тўғрисида” ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва Вазирлар Маҳкамасининг таълим соҳалари ва етук рақобатбордош кадрлар тайёрлашга оид қарорлари; тадқиқот мавзусига тегишли хорижий ва Республикадаги фалсафий, психологик, педагогик, дидактик адабиётлар таҳлили, тегишли меъёрий ҳужжатларини ўрганиш, таҳлил, синтез ва умумлаштириш.

**Натижалар ва уларнинг таҳлили.** Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги Қонунини ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни амалга ошириш вазифаларидан бири таълимни сифатини оширишда педагогик ва ахборот технологиялардан самарали фойдаланиш асосида уни замонавий таълим технологиялар билан таъминлаш, компьютерлаштириш, компьютер тармоқлари негизида ўқув моделлари, таълими тизимини инструментал воситалар билан таъминлаш масаласидир. Бу вазифа кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурида уни амалга оширишнинг зарурый чора-тадбирлари сифатида белгилаб қуйилган. Ҳозиги замон илғор педагогик ва ахборот технологияларни олий таълим талабалари учун мустақил ишлаш самарадорлигини оширишга, ижодий ва профессионал билим, қўникма олиш ва уни мустаҳкамлашга кенг имкониятлар очади, таълим сифати ва самарадорлигини оширишга олиб келади. Бу эса барча педагоглар зиммасига маъсулиятли вазифаларни юклайди. Янги педагогик технологиялар талабага таълим жараёнининг субъекти, яъни фаол иштирокчisi, ўқитувчига эса шу жараённинг ташкилотчиси, бошқарувчиси сифатида қарашни тақозо этади. Ўқитиш жараёнида талаба фаол ишловчи шахс бўлиб, у бутун машғулот жараёнида эгаллаган билимларини хотирада тиклайди, уни қисман янги шароитларда қўллайди, ақлий фаолият усулларини бажариб, маълумдан номаълумга қараб боради.

Янги педагогик технологияларнинг моҳияти талабани мустақил фикрлашга ўргатиш, билим олишга қизиқиши ва эҳтиёж уйғотиш, унга кашф этиш лаззатини ҳис эттириш демакдир.

Педагогик технология таълимда талабаларни қизиқтириб ўқитиш ва билимларни тўлиқ ўзлаштиришга эришиш, талабаларнинг ўз фикрини баён этишга имконият яратишидир.

Педагогик технология жараёнида дарс ўтишда энг асосий талаб талабанинг ҳаётий тажрибаси, аввал ўзлаштирилган билимлари ва қизиқишилари асосида билим беришни кўзда тутади.

Янги педагогик технологияларга бағишлиланган адабиётлар ва илмий мақолаларда бир қатор ўқитиш усуллари ҳақида сўз юритилмоқда. Бу усуллар инновацион методлар сифатида тақдим этилмоқда. Шулардан ветеринария дарсларида қўлланилиши мумкин бўлган айрим методлар хусусида сўз юритамиз.

Ҳамкорликда ўқитиш технологияси. Унинг асосий ғояси ўқув топшириқларини фақат биргалиқда бажариш эмас, балки талабаларни ҳамкорликда ўқишига ўргатиш, улар ўртасида ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ва фикр алмашинувини вужудга келтириш. Бу усул орқали талабаларнинг ақлий фаолияти ривожланади, ўқув материалини тушуниши енгиллашади.

Интерфаол методлар технологияси. Талабаларнинг ижодкорлигига таяниш, дарсда эркин баҳс – мунозара шароитини туғдириш. Бунинг учун гуруҳкичик гурухларга бўлинади ва дарс давомида шу гурухлар билан ишлайди.

Ветеринария фанларидан “Ҳайвонлар физиологияси” фанининг “Нафас олиш органлари физиологияси” мавзусини ўргатиш жараёнида мана шу усулдан фойдаланиб талабаларни гурухларга ажратиш лозим. Алоҳида матн қисмлари (нафас олиш органлари тизимлари) бўлиб берилиб, маълум вақт белгиланади. Талабалар бошқа гурухдан олдинроқ матнни ўрганишга ҳаракат қилишади. Энг асосийси, нотўғри маълумотни ўқувчи эмас, балки иккинчи гуруҳ қатнашчилари тўғрилашга ҳаракат қилишади, уларда ҳайвонлар физиологиясини ўрганишга бўлган қизиқиши янада қўпроқ ортади.

Талабаларни дарсга қизиқиши билан қарашга ундейдиган яна бир метод бу – “Ақлий хужум” методи. Бу метод асосида ташкил қилинган машғулотлар қуйидаги тартибда ўтказилади. Муаммо аниқланади ва талабаларнинг муаммо юзасидан фикрларини доскага ёки варакларга ёзиб борилади. Билдирилаётган ғояларнинг муаллифлари томонидан асослаб берилишига эришилади.

Ветеринария фанларидағи кўплаб мавзуларни шу метод ёрдамида ўрганиш мумкин, жумладан, Ҳайвонлар физиологияси фанидан айрим органлар физиологиясини ўргатишни шу метод асосида ташкил қилиш мумкин.

Ҳайвонлар физиологияси дарсликлариға кўплаб нафас олиш, айриш, овқат ҳазм қилиш, қоннинг физиологияси мавзулари киритилган. Бу органлар физиологияси устида ишлаш ўқитувчидан катта меҳнат ва маҳорат талаб қиласи. Шулардан бири, ҳайвон

организмининг асосийларидан Нафас олиш органларининг физиологиясини ўрганишни кўриб чиқамиз. Мавзу мазмуни назарий ва амалий услубда берилган. Машқ шартида органларни таққослаб, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш топширилган. Мазкур мавзуни “Ақлий ҳужум” методи ёрдамида ўрганиш кўзланган мақсадга эришиш имкониятини яратади. Бу метод асосида мавзу яъни нафас олиш органлари физиологиясини ўрганиш бир неча босқичда олиб борилади.

1-bosқич. Талабаларни мавзуни тушунтиришга тайёрлаш. Ўтган машғулотларда берилган янги тушунчаларга оид маълумотлар эсга олинади ва такрорланади, ҳар бир янги тушунча ҳақида тушунча берилади. Нафас олиш органлари физиологияси ҳақидаги матн ва иккита ҳайвоннинг нафас олиш органлари тизими талабаларга тарқатилади. Янги матн мазмуни ойдинлашгандан сўнг матн ва ҳайвонларнинг нафас олиш органлари талабалар томонидан мустақил ўрганиб чиқилади. Талабалар матн мазмуни ва органлар тизимини тушунишга ҳаракат қиласидилар.

2-босқич. Берилган матнлар мазмуни ва нафас олиш органларининг ўхшаш томонлари аниқлаш. Бунинг учун ўқитувчи талабаларга қуйидаги саволлар беради: Ҳар қайси ҳайвоннинг нафас олиш органлари физиологияси қайси жиҳатдан бир-бирига ўхшайди? Талабалар мазкур саволларга шундай жавоб берадилар:

- Ҳар иккала ҳайвоннинг нафас олиш органлари физиологияси ҳам бир хил;
- Ҳар иккала ҳайвонларнинг нафас олиш органлари вазифалари бир хил;
- Ҳар иккала ҳайвоннинг нафас олиш органлари кетма-кетлиги бир хил жойлашган

Ўқитувчи талабаларнинг фикрларини умумлаштиради ва ўз муносабатини билдиради.

3-босқич. Ҳайвонларнинг нафас олиш органларининг физиологияси ва тузилишлари фарқли томонларини аниқлаш. Ўқитувчи қуйидаги саволни ўртага ташлайди:

Берилган ҳайвонлар нафас олиш органлари тузилиши ва физиологияси қайси жиҳатларига кўра фар қиласидилар?

Талабалар берилган саволларга жавоб топишда турлича фикрлар билдирадилар, баҳс мунозараага киришадилар. Шу асосда қуйидагича жавоблар берадилар.

- биринчи ҳайвоннинг бурун бушлифи катта, иккинчи ҳайвоннинг бурун бўшлифи кичик;
- биринчи ҳайвон ўпкаси оғирлиги --- грам, иккинчиси ----грамм;
- биринчи ҳайвоннинг

Шу босқичдан сўнг талабалар ўқитувчи ёрдамида ўрганилаётган мавзу юзасидан хуласа чиқарадилар.

Ҳайвон физиологияси фанидан “Нафас олиш органлари физиологияси” мавзусини шу метод ёрдамида ўрганилса, талабалар мавзу мазмунини яхшироқ англайдилар, уларнинг мазмунига чуқурроқ кириб борадилар, ҳайвонларни қиёслаш орқали уларнинг моҳиятини теран идрок этиб, янги малакаларни қўлай олиш кўникмаси ҳам шаклланади. Бу метод талабаларни фикрлашга, дарсда фаол иштирокчи бўлишга, ҳозиржавоб ва мулоҳазали бўлишга ўргатади.

**Хулоса.** Ветеринария анлари тизимини ўқитиша замонавий технологиялар қўлланилган машғулотлар эгалланаётган билимларни талабалар томонидан ўзлари қидириб топишлари, мустақил ўрганиб, уларни таҳлил қилишлари, ўз билимларини баҳолашлари, тўғри хулосалар чиқаришга қаратилиб, шунингдек ўқитувчи бу жараёнда шахс ва жамоанинг ривожланиши, шаклланиши, билим олишига ҳамда эркин фикрлаб курсдошлари билан ўзаро хамкорликда ишлаш ва ҳаракат қилишларига шароит яратади, шу билан бир қаторда, бошқарувчилик ва йўналтирувчилик вазифасини бажаради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб ветеринария фанлари дарсларига янги педагогик технологияларни қўллаш давр талабидир. Бу иш эса ўқитувчига боғлиқ ўқитувчи ижодкор бўлиши, янги педагогик технологияларнинг хилма-хил шаклларини, усулларини яратиб бориши, уларни таълим жараёнида қўллаб боиши таълим жараёни сифатига ва самарадорлигини юқори даражага кўтаришга хизмат қиласи.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Азизхўжаева Н. Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси. Т. 2000 йил.
2. Ишмуҳамедов Р., Юлдашев М. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар. Т. 2013 йил.
3. Рўзиева Д., Усмонбоева М., Ҳолиқова З. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши. Т. 2013 йил.
4. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технология: назария ва амалиёт. – Т.: Фан, 2005 йил.